Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

XDP · O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2012-yil, 13-oktabr. Shanba • 124 (31.556) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

**АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНИДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ОЗАРБОЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИЛҲОМ АЛИЕВНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН 11-12 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН УШБУ МАМЛАКАТДА БЎЛДИ.**

Ўзбекистон Президентининг ташрифи доирасидаги расмий тадбирлар 12 октябрь куни бўлиб ўтди. Озарбойжон раҳбарининг «Зуғулба» саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Озарбойжон давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Илҳом Алиев фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Президентларнинг яккама-якка учрашувида Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасидаги икки ва кўп томонлама муносабатларга тааллуқли кенг кўламли масалалар муҳокама қилинди, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва глобал аҳамиятга эга муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Сўнгра давлат раҳбарлари музокараларни расмий делегациялар аъзолари иштирокида давом эттирдилар.

Кенгайтирилган таркибдаги музокаралар жараёнида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро муносабатлар билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Илҳом Алиев Қўшма баёнотни имзоладилар. Шунингдек, 2012-2015 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорликка доир ҳукуматлараро дастурни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси ва икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик дастури имзоланди.

Икки давлат раҳбарлари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар самарали ва мазмунли ўтганини таъкидладилар, ташриф асносида имзоланган ҳужжатлар анъанавий дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга янги суръат бахш этишига ишонч билдирдилар.

Президент Ислом Каримов ташриф доирасида Фахрийлар қабристонини зиёрат қилди ва Озарбойжон халқининг буюк фарзанди Ҳайдар Алиев қабрига гулчамбар қўйди. Давлатимиз раҳбари Шаҳидлар хиёбонидаги Шаҳидлар хотираси монументига гулчамбар қўйди. Ўзбекистон Президенти Озарбойжон давлат байроғи майдони, Ҳайдар Алиев номидаги марказ билан танишди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Озарбойжон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
*Тошкент — Боку — Тошкент.*

Мишель ПЛАТИНИ:

## «ЎЗБЕКИСТОН — ФУТБОЛ МАМЛАКАТИ»

11 – 12 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ ЕВРОПА ФУТБОЛ УЮШМАЛАРИ ИТТИФОҚИ (УЕФА) ПРЕЗИДЕНТИ **МИШЕЛЬ ПЛАТИНИ** РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ ЮРТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛДИ.



Ҳасан ПИРМУҲАММЕДОВ олган сурат.

Делегация таркибида УЕФА Ижроқўми аъзоси Мариос Лефкаритис, УЕФА президенти маслаҳатчиси Паскаль Торрес, УЕФА президенти ёрдамчиси Моника Мхитарян ва Озарбойжон футбол федерациялари уюшмаси бош котиби Элхан Мамадовлар ҳам бор.

Меҳмонлар Ўзбекистонда футболни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, пойтахтимизда барпо этилган «Бунёдкор» стадиони ва футбол мажмуаси, болалар футбол мактаби, тўлиқ қайта таъмирланган «Пахтакор» стадиони, Ўзбекистон Футбол федерацияси фаолияти билан яқиндан танишди.

— Аввало бизни Ўзбекистонда жуда илиқ ва меҳмондўстлик билан кутиб олишганидан хурсандман, — деди УЕФА президенти Мишель Платини. — Мен ўзбек футболи ҳақида анча тасаввурга эгаман. Мамлакатингизда футбол жадал ривожланиб бораётгани ва бунда айниқса, давлат раҳбари ҳамда ҳукуматнинг ҳиссаси катта эканлигини айтиб ўтмоқчи эдим. Албатта, бундай эътибор келажакда ўз мевасини беришига шубҳа йўқ.

Ўтган йили Ўзбекистонга ташриф буюришга ваъда бергандим ва мана, орадан бир йил ўтиб, сўзимнинг устидан чиқдим. Бу ерда кўрганларим ва олган таассуротларимдан шундай хулосага келдимки, Ўзбекистон — футбол мамлакати. Ўзбекистон миллий терма жамоасининг ҳозирда жаҳон чемпионати йўлланмаси учун кураш олиб бораётганини ҳисобга олсак, бу мамлакат ўз минтақасида футболи энг ривожланган ўлкалардан, десам муболаға қилмайман.

— Одатда, ташкилотимиз футболи ривожланмаган мамлакатлар учун моддий ёрдам бериб келади, — дея давом этади Мишель Платини. — Шунингдек, бошқа қитъа мамлакатларида ҳам футболни ривожлантиришда ўз кўмак ва маслаҳатларини аямайди. Аммо Ўзбекистонда шунинг гувоҳи бўлдимки, сизлар ҳеч қандай ёрдамга муҳтож эмассизлар. Бошқача айтганда, айрим масалаларда Ўзбекистон мутахассислари бизга ёрдам беришлари зарур. Мисол учун, ҳакамликни олайлик. Бугун жаҳоннинг энг яхши ҳакамларидан бири Рашван Эрматов айнан Ўзбекистондан эканлигини дунё билади. Бу эса бутун мамлакатнинг катта ютуғидир.

Қисқача айтганда, УЕФА — катта имкониятларга эга ва дунёнинг энг йирик спорт ташкилотларидан бири саналади. Агар Ўзбекистонда футбол маркетинги тараққиёти, инфратузилмалар ёки бошқа йўналишларда ёрдам зарур бўлса, ташкилотимиз доимо амалий ҳамкорлик қилишга тайёр. Бундан ташқари, келажакда мамлакатингизнинг етакчи футбол клублари, Ўзбекистон миллий терма жамоаси билан Европа вакиллари ўртасида ўртоқлик учрашувлари уюштиришда ўз кўмагимизни берамиз.

**(Ўз мухбиримиз).**

ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарида



## МУРОЖААТЛАРГА ИЖОБИЙ ЕЧИМ ТОПИШ

**жойларда учраётган ижтимоий масалаларни ҳал этиш, партиянинг жамиятда таъсир кучини оширишда муҳим ўрин тутади**

ЎзХДП БУХОРО ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИ ИМКОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИБ КЕЛМОҚДА. ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИГА БЎЛГАН МУРОЖААТЛАРДА КЎТАРИЛГАН МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА КАТТА ТАЖРИБА ТЎПЛАНДИ.

⇨ 2

Муносабат

## ҲАЁТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ

*ҳар биримизнинг меҳнатимизга боғлиқ*

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ БИЛДИРГАН ФИКРЛАР, ЧУҚУР ТАҲЛИЛ АСОСИДА ВОҲАМИЗ КЕЛАЖАГИНИ ЎЙЛАБ АЙТИЛГАН ТАКЛИФЛАР БАРЧА ХОРАЗМЛИКЛАРНИНГ ЮРАГИДА АКС-САДО БЕРДИ.**

Чунки, давлатимиз раҳбари олдимизга қўйган юксак вазифалар келажак авлод, фарзандларимиз учун ҳар томонлама муносиб турмуш шароити яратишдек эзгу мақсадга қаратилган.

Бугун вилоятимизда, айниқса, вилоят маркази Урганч шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг кўламини кўриб, ҳар бир воҳадошимизнинг қалбида яратувчанлик шукуҳидан мамнуният, ғурур-ифтихор ҳисси жўш урмоқда, десак, асло муболаға бўлмайди. Кўз ўнгимизда рўй бераётган тарихий ўзгариш ва янгиланишлар аввало, истиқлол шарофати, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-тотувлик туфайли эканини яхши англаймиз.

Урганч шаҳри қиёфасини замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида янгилаш мақсадида умумий қиймати 112 миллиард сўмлик дастур ишлаб чиқилиб, шу асосда олиб борилаётган бунёдкорликлар бугун шаҳар кўркига кўрк бағишлаб турибди. Шаҳарнинг Ал-Хоразмий кўчасида биринчи қаватини савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари эгаллайдиган 12 та кўп қаватли турар-жой биноси, 10 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектини қуриш ишлари шу кунларда якунига етказилмоқда.

Президентимиз ўз нутқида фарзандларимиз камоли ҳақида гапириб, ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг мустақил ҳаётга қадам қўйиши, оёққа туриб олиши учун ҳар томонлама ёрдам бериш давлатимиз ва жамиятимизнинг бугунги кундаги энг муҳим, энг ҳал қилувчи вазифаси эканини яна бир бор барчамизга уқтирди.

Ҳар йили вилоятдаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини 30 минг нафардан ортиқ ёшлар битириб чиқаётганини ҳисобга олсак, бу вазифанинг қанчалик муҳимлигини англаймиз. Инсон ўз қобилиятини намоён этиши, оиласи тўкислиги ва жамият равнақига ҳисса қўшиши учун аввало барқарор иш ўрнига эга бўлиши зарур. Шу боис сессияда ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш масаласини танқидий руҳда қараб чиқиш, бу борада ечилмаган муаммоларни ҳал этиш учун барча чораларни кўриш, аввало шаҳар ва туман ҳокимликлари, тегишли раҳбарларнинг масъулиятини янада ошириш зарурлиги таъкидланди.

Сессияда билдирилган фикрлар, белгиланган вазифалар кўп жиҳатдан партиямиз ғоявий мақсадлари билан уйғундир. Партиямизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш, иш ўринларининг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларда туман ва шаҳар партия ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз зиммасига аниқ вазифалар юклатилган. Шунга асосан иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси, таълим муассасалари битирувчилари билан уч томонлама шартномалар имзоланиши ва уларнинг тўлиқ амалга оширилиши ҳудудлар бўйича таҳлилий ўрганилиб, йўл қўйилаётган хато-камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар берилмоқда.

Аммо тан олиш керак, бу борадаги ишларимизда изчиллик етишмаяпти. Жойларда йўл қўйилаётган камчиликларни таҳлил этиб, аниқ таклифларни сессияларга олиб чиқишда айрим депутатлик гуруҳлари сусткашлик қилмоқда.

Сессияда билдирилган фикрлар, белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, фаолиятимизни танқидий нуқтаи назардан муҳокама қилишимиз, хато-камчиликларимизни бартараф этиш бўйича аниқ ва қатъий чораларни белгилашимиз зарур.

**Раимберган САБУРОВ,**
**ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари.**

**Эркин КОМИЛОВ,**
*Ўзбекистон халқ артисти:*

**— БОТИР УКА, ГАЗЕТА ЎҚИСАНГ ЗЎРИДАН ЎҚИ. «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИ ОЛСАНГ, ТЕАТРДА ҲАМКАСБЛАР ЎҚИЙДИ, УЙГА ОЛИБ БОРСАНГ, ФАРЗАНДЛАРИНГ, НЕВАРАЛАРИНГ ЎҚИЙДИ...**

**НАШР КЎРСАТКИЧИ — 220**





Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

## МИКРОМОЛИЯЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШИШИ

***истеъмолчи ҳуқуқ ва манфаатлари кафолати кучайишига хизмат қилади***

ДУНЁ МИҚЁСИДА ТОБОРА ЧУҚУРЛАШИБ БОРАЁТГАН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ ШАРОИТИДА МОЛИЯ-БАНК ТИЗИМИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ДОИМИЙ РАВИШДА ТЕГИШЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАҚОЗО ЭТИЛМОҚДА.

⇨ 2

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

# МИКРОМОЛИЯЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШИШИ

## истеъмолчи ҳуқуқ ва манфаатлари кафолати кучайишига хизмат қилади



«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси», «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорда бу борада қатор долзарб вазифалар белгилаб берилган.

**«Микромолиялаш соҳасининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси айнан ана шу вазифалардан келиб чиқиб тайёрланган. Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида мазкур қонун лойиҳаси қизғин муҳокама этилди ва биринчи ўқишда қабул қилинди.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қонун лойиҳасининг асосий мақсади микромолиялаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва микрокредит ташкилотлари тизимини ривожлантиришдан иборатдир.

Шунга кўра, «Микромолиялаш тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар таклиф этилмоқда. Жумладан, «Микромолиялаш тўғрисида»ги Қонуннинг 15, 17, 19 ва 20-моддаларига микромолиявий хизматлардан фойдаланувчилар, яъни истеьмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

«Микрокредит ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига микрокредит ташкилотларини ташкил этишда ломбардлар ва микрокредит ташкилотларининг иштирокини чеклаш бўйича, 12-моддасига микрокредит ташкилотлари учун лицензияни бекор қилиш бўйича меъёрлар киритиш кўзда тутилаяпти.

Шунингдек, микрокредит ташкилотлари ва уларнинг мижозлари ҳамда кредиторлари ўртасида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солиш мақсадида мазкур Қонунга микрокредит ташкилотининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи янги 12[1] ва 12[2]-моддаларни киритиш таклиф этилмоқда.

Қонунларни такомиллаштиришда аҳоли маблағлари хавфсизлиги кафолатини таъминлаш тамойили устувор аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Микрокредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахсларнинг (ўз таъсисчилари, иштирокчилари, акциядорларидан ташқари) қарз маблағлари жалб этилишига нисбатан чеклов ўрнатиш бўйича қўшимча киритилаяпти. **Бу аҳоли маблағлари қайтмаслиги хатарининг олдини олишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.**

Шунингдек, юқоридаги Қонуннинг микрокредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ваколатларини белгилаб берувчи 15-моддасига Марказий банк томонидан молиявий ва статистика ҳисоботини юритиш, микрокредит ташкилотлари учун мажбурий иқтисодий меъёрлар ўрнатиш юзасидан қўшимчалар киритилмоқда. **Унга кўра, қонун ҳужжатлари талаблари ва белгиланган иқтисодий меъёрлар микрокредит ташкилоти томонидан бузилганда, жарима санкцияларини қўллаш назарда тутилмоқда.** Бу микрокредит ташкилотлари томонидан қонун ҳужжатлари талаблари бузилишини чеклайди.

Шу билан бирга, «Микрокредит ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунга янги 15[1]-моддани киритиш орқали микрокредит ташкилотларида ички аудит хизматини ташкил этиш таклиф этилмоқда. Бу эса микрокредит ташкилотларида корпоратив бошқарувни яхшилаш, самарали қарорлар қабул қилиш, кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш имконини беради.

Мазкур Қонунга микрокредит ташкилотларида ахборотнинг махфийлигини таъминлаш юзасидан янги 16[1]-модда киритилмоқда.

Юқорида айтиб ўтилган ўзгартиш ва қўшимчалар муносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг қатор моддаларига ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилади.

Маълумки, Ўзбекистон ХДП ижтимоий кўмакка муҳтож, аммо касб-ҳунарли, қўлидан иш келадиган электорат вакилларининг иқтисодий фаоллигини ошириш, ўз ишини йўлга қўйиб олиши учун уларни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратмоқда. Бу жараёнда бошланғич сармояни шакллантириш кафолати яратилиши, хусусан, микрокредит ташкилотлари фаолияти такомиллашиши муҳим ўрин тутади.

Фракциямиз аъзолари фикрича, мазкур қонун лойиҳаси билан Марказий банк томонидан микрокредит ташкилотларига нисбатан мажбурий иқтисодий меъёрлар ўрнатилиши, лицензиялар тўғрисидаги маълумотлар электрон базасининг танишиб чиқиш учун очиқлиги таъминланиши, молиявий ва статистик ҳисоботларни тайёрлашнинг мажбурий қоидалари ўрнатилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Бир сўз билан айтганда, «Микромолиялаш соҳасининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси республикамизда молия-банк тизими барқарорлигини таъминлашга, аҳолининг банк тизимига ишончини янада мустаҳкамлашга, янгидан ўз ишини бошлаш истагидаги фуқаролар учун бошланғич сармояни шакллантириш имкониятини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

**Абдуқаҳҳор ЮСУПОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси.**

Ўз-ўзини танқид

# ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА

## ҳар бир лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш талаб этилади

**МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ, ХУСУСАН, МАҲАЛЛА, ҚИШЛОҚ ҲАМДА ОВУЛ ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ АЛОҲИДА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.**

Шундан келиб чиқиб, жорий йилда ЎзХДП Марказий Кенгаши томонидан **«Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази»** лойиҳаси амалга ошириб келинмоқда. Мазкур лойиҳадан кўзланган мақсад партия электорати билан бевосита мустаҳкам алоқа ўрнатиш, уларни ўйлантираётган масалаларни вакиллик органлари орқали ҳал этишдан иборатдир.

Таъкидлаш керакки, ҳудудларда маҳалла фуқаролар йиғинларининг илғор тажрибалари, намунавий иш услубларини рағбатлантириш, аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий ҳимоя қилишга доир фармон ва қарорларнинг бажарилишини таъминлаш, электорат вакилларини ўйлантираётган масалаларга ечим топишда бу лойиҳанинг аҳамияти катта бўлаяпти. Лойиҳани амалга ошириш жараёнида аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилиб, улар тегишли тартибда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида муҳокама этилмоқда. Натижада жойларда партиямиз электорати манфаатлари самарали ҳимоя қилинишига эришилаётир.

«Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси республика миқёсида босқичма-босқич амалга оширилаяпти. Унинг биринчи босқичи бевосита маҳаллаларнинг ўзида ташкил этилди ва бунда **2 мингга яқин тегишли тадбирлар** ўтказилди. Уларда иштирокчилар томонидан **4 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар** билдирилди.

Иккинчи босқич доирасида туман ва шаҳарларда ташкил этилган **200** дан ортиқ тадбирда биринчи босқичда билдирилган таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилди. Шу асосда электорат вакилларини ўйлантираётган масалаларни ҳал қилишга қаратилган **300** дан ортиқ аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Аҳамиятлиси, электорат манфаатлари билан боғлиқ масалаларнинг 60 фоизга яқини партиядан сайланган депутатлар ҳамда ҳамкор ташкилотлар ёрдамида жойида ҳал этилмоқда. Қолганлари туман ва шаҳар Кенгашлари сессиялари муҳокамасига олиб чиқилмоқда. Ана шу факт ва рақамлар лойиҳанинг қанчалик аҳамиятли эканини кўрсатади.

Бироқ шунга қарамай, лойиҳанинг биринчи ва иккинчи босқичи якунлари бўйича амалга оширилган ишлар таҳлил этилганда, айрим туман ва шаҳар кенгашлари бу лойиҳани самарали амалга ошириш борасида мавжуд шароит ҳамда имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаётгани маълум бўлди. **Хусусан, Навоий вилоятининг Хатирчи, Сирдарё вилоятининг Сирдарё ва Оқолтин, Бухоро вилоятининг Ғиждувон ва Жондор туманларида мазкур лойиҳанинг биринчи босқичи тўлиқ ўтказилмаган.** Баъзи маҳаллалардаги партиямиз фаоллари мазкур лойиҳа ҳақида маълумот ёки тушунчага эга эмас.

**Бундан кўриниб турибдики, юқоридаги ҳудудларда партиявий ишлар тўғри ва тизимли ташкил этилмаган, аҳолини манзилли қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган маҳаллалар билан узвий ҳамкорлик ўрнатилмаган.**

Бу каби камчиликлар туман партия кенгашлари масъуллари, партиямиздан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатлар зиммаларидаги вазифалар масъулиятини чуқур ҳис қилмаётганини англатади. Бу эса жойларда электорат манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилишига, ҳаётий таклиф ва ташаббуслар кўпайишига салбий таъсир этмоқда.

Мамлакатимизда сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар жадал тус олган, мазкур жараёнда сиёсий партиялар зиммасига катта масъулият юкланган бир пайтда маҳаллий партия ташкилотларида йўл қўйилаётган бундай хато-камчиликларни зудлик билан бартараф этиш, бу борада тегишли чораларни белгилаш зарур. Аҳоли орасида партиямиз нуфузи ортиши, электорат манфаати самарали ҳимоя этилишида бу долзарб аҳамият касб этади.

**Акмал ТУРСУНБОЕВ,**
**ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими.**

ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарида



# МУРОЖААТЛАРГА ИЖОБИЙ ЕЧИМ ТОПИШ

## жойларда учраётган ижтимоий масалаларни ҳал этиш, партиянинг жамиятда таъсир кучини оширишда муҳим ўрин тутади

Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида Жамоатчилик қабулхоналарига 750 дан зиёд мурожаат тушган бўлиб, шулардан ҳозиргача 447 таси ижобий ҳал этилди. Қолган мурожаатларда кўтарилган масалаларга ечим топиш маҳаллий Кенгашларга партиямиздан сайланган депутатлар назоратига олинган.

— Зиммамиздаги асосий вазифа электорат манфаати ҳимоясини таъминлашдир, — дейди **ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси ўринбосари Обид ШАБАНОВ.** — Шу боис мурожаатларнинг ҳар бирига жиддий эътибор билан қараяпмиз. Бунда асосан депутатлик сўрови ҳамда ижтимоий шерикчилик институтларидан унумли фойдаланиш қўл келаяпти. Мурожаатда кўтарилган масалалар депутатлар кўмагида тегишли идора ва ташкилотлар орқали ҳал этилаётгани одамларнинг Жамоатчилик қабулхоналарига ишончини мустаҳкамламоқда. Чунки депутат муаммони чуқур ўрганади ва шу асосда таклиф тайёрлайди. Таклиф партия фаоллари билан бирга муҳокама қилингач, тегишли идора ва ташкилотларга масалани ҳал этиш бўйича хат тайёрланади. Ҳар ҳафтанинг сешанба куни депутатлар ва партия фаоллари қабулхонага келган кишилар мурожаатини тинглайди. Кўтарилган масала ечими бевосита қабулхона учун масъул шахс назоратида туради.

Таҳлиллар кўрсатишича, Жамоатчилик қабулхоналарига бўлган мурожаатларнинг асосий қисми коммунал хизмат, ўз ишини йўлга қўйиш, ишга жойлашиш, маҳаллий ижро ҳокимияти масъулиятини ошириш билан боғлиқ масалаларда бўлмоқда.

Шунингдек, электорат вакиллари муайян масалада ҳуқуқий йўл-йўриқ ва кўмакка эҳтиёж сезади. Шу боис Жамоатчилик қабулхоналарига малакали ҳуқуқшунослар жалб этилмоқда.

— Бу йил ҳисобидан Жамоатчилик қабулхонасига 37 кишидан турли масалаларда мурожаат бўлди, — дейди **ЎзХДП Бухоро шаҳар кенгаши раиси Робия КОЗИМОВА.** — Шундан 22 таси маҳаллий мутасадди ташкилотлар ёрдами билан ижобий ҳал этилди. Мурожаатлар асосан ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олган. Биз ҳар бир мурожаат, унда кўтарилган муаммо ёки таклиф бўйича алоҳида тартибда ишлаймиз. Баъзида шундай мурожаатлар бўладики, масалани ўрганиш ва уни ечиш учун ишчи гуруҳи тузилади. Бунда гуруҳ таркибига малакали ҳуқуқшунослар ва турли соҳа мутахассисларини ҳам жалб қиламиз. Муаммони бартараф этиш давомида фаоллар жойларга чиқиб, жамоатчилик фикрини чуқур ўрганади. Бу тажриба фаолиятимиз самарадорлигини оширишга хизмат қилаётир.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Яқинда шаҳардаги «Алпомиш» кўчасида яшовчи фуқаролардан бир мурожаат тушди. Унда ҳудудга масъул бўлган уй-жой мулкдорлари ширкатининг фаолияти талаб даражасида эмаслиги, маҳаллани ободонлаштириш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилгани маълум қилинган. Шаҳар партия кенгаши фаоллари ва депутатлар бу масалани атрофлича ўрганишди. Мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови юборилди. Натижада уй-жой мулкдорлари ширкатининг фаолиятини барқарорлаштириш чоралари белгиланди.

— ЭҲМ операторлиги мутахассислиги бўйича таҳсил олганман, — дейди **Муҳиба ҒАНИЕВА.** — Ўзимга маъқул иш топишда ёрдам сўраб шаҳар партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилдим. Партия фаоллари мутахассислигимга мос, яшаш манзилимга яқин ҳудудда жойлашган ташкилотга ишга жойлашишимга кўмаклашди.

Бу каби мисоллар оз эмас. Одамлар мурожаатига эътибор билан қараш ва ёрдам кўрсатиш орқали ҳам депутатга, ҳам партияга ишонч ортади.

Аммо Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти ҳамма туман ва шаҳар партия кенгашларида ҳам яхши йўлга қўйилган, деб бўлмайди.

Шу боис партия кенгашлари, халқ депутатлари туман Кенгашларидаги партиямиз депутатлик гуруҳларимиз аъзолари буни тўғри англаб, фурсатни бой бермасдан ўз фаолиятини жонлантириши керак, деб ўйлаймиз.

**Лазиза ШЕРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



Таълим ва ислоҳот

# ЮКСАЛИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

## замонавий технологияларни мунтазам равишда ўзлаштириб борадиган кадрларга боғлиқ

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ, ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ҲАМ «ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА», «МАЛАКАЛИ ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ҲАМДА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИНИ ШУНДАЙ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРЛАР ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ЎҚУВ ВА ИЛМИЙ ИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТМОҚДА.**

Биринчи навбатда институтнинг илмий-педагогик салоҳиятини янада ошириш ва айни вақтда минтақа учун зарур бўлган янги таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашга, 9 та касб таълими йўналиши ва мутахассислигининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқишга киришилди. Ҳозирда институтда 12 та таълим йўналиши бўйича касб-ҳунар коллежлари учун малакали муҳандис-педагог кадрлар тайёрланмоқда.

Мамлакатнинг келгуси тараққиётини белгилаб берувчи кадрлар тайёрлаш таълим муассасалари ва уларда ишловчи педагогларнинг инновацион фаолиятини шакллантиришга кўп жиҳатдан боғлиқ. Институтда таълим сифатини ошириш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 52 та видеопроектор, 600 дан зиёд компьютер ва улар асосида ташкил қилинган 25 та компьютер синфи, лингафон хоналар, электрон доска билан жиҳозланган ўқув хоналари ҳамда Интернет глобал тармоғига уланган компьютерлар замон талаблари даражасида кадрлар тайёрлашга хизмат қилмоқда.

Таълимнинг фан билан боғлиқлиги, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг меҳнат бозори талабларига мослашуви, иш берувчиларнинг тайёрланаётган мутахассисларга талаблари асосида кадрлар тайёрлаш ҳамда профессор-ўқитувчилар илмий салоҳиятини янада кучайтириш борасида 100 дан ортиқ инновацион ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузилиб, 400 дан зиёд илмий-тадқиқот ишларини бажариш йўлга қўйилди.

Институтнинг педагогика ва педагогик технологиялар кафедрасида инновацион технологиялар, информатика ва ахборот технологиялари кафедрасида ахборотлар технологияси, чет тиллар кафедрасида инглиз тили курслари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу курсларда энг аввало барча профессор-ўқитувчилар ўз билим, малака ва кўникмаларини оширмоқда.

Институтимиз академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига малакали муҳандис-педагоглар тайёрлаш билан бирга, уларнинг ўқув-услубий таъминотини яхшилаш борасида ҳам ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Шу мақсадда вилоятнинг 28 та касб-ҳунар коллежи ва 5 та академик лицейига институт кафедраларининг тажрибали профессор-ўқитувчилари бириктирилган. Институт профессор-ўқитувчилари касб-ҳунар коллежлари учун 116 номдаги ўқув-адабиётлари яратиб, фойдаланишга тақдим этишди. Шунингдек, институт қошида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказида ўтган йили касб-ҳунар коллежларининг 380 нафар педагоги малака оширди, 130 нафари эса қайта тайёрлов курсида таҳсил олди.

Ўқув юртимизга бириктирилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим сифатини янада ошириш, таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш, институтнинг профессор-ўқитувчиларини ўқув-тарбия жараёнларига жалб этиш бўйича 2016 йилгача мўлжалланган қўшма иш режаси ишлаб чиқилди. Шу йил май ойида институтда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан ҳамкорликда «Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда инновацион технологиялар» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Ўқитувчи кадрлар тайёрлаш савияси ва сифатини ошириш борасида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази билан ҳамкорликда институт — ишлаб чиқариш — коллеж интеграциясининг янги моделини яратиш ва уни амалда қўллаш, масофавий ўқитишнинг ташкилий-услубий масалалари, битирувчиларнинг инновацион рейтингини аниқлаш учун мутахассислар ёрдамида педагогик-психологик тестлар тузиш каби йўналишлар бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Президентимиз таъкидлаганларидек: **«Бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва амалий касб-ҳунарларга эга бўлган ёшларгина мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши мумкин».** Бундай иқтидорли кадрлар эса ўқув юртларида тайёрланади. Бу биз — профессор-ўқитувчи, мураббийлардан ўзимизнинг шарафли вазифамизга янада масъулият билан ёндашишни талаб қилади.

**Пахриддин МАТКАРИМОВ,**
**Наманган муҳандислик-педагогика институти ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси.**



# Оила ҳақидаги ҳикматлар

«Ўғлим, ёлғон гапириш — бу хато ёки тасодиф эмас, у инсон феълидаги қусур. Вақтида олди олинмаса газак олади. Қалб даласидаги бундай хавфли ёввойи ўтни илдиз-пилдизи билан суғуриб ташланмаса, қалб даласида маданий экинлар ўсишига жой қолдирмайди. Дунёда ёлғондан хавфлироқ нарса йўқ. Вақтида олдини олмасанг, кейин уни ҳайдаб ҳам, калтаклаб ҳам йўқотиб бўлмайди. Қулоғингга қуйиб ол, шу лаҳзадан бошлаб фақат рост гапирасан...»

Отанинг гапи ўғил учун қонун.

Мен ичимда энди ҳеч қачон ёлғон гапирмасликка қасам ичдим. Менга ҳам болалигимнинг ўша кунидан кейин ёлғондан тилимни тийиш, фақат ҳақиқатни айтиш осон бўлмаган. Лекин ҳақ гапни айтгач, ўзимни енгил ҳис қилганман.

Агар ҳақиқатан қачондир кўз юмсанг, кўнглинг беҳаловат бўлади, бир умр виждон азобида қийналасан...

**Расул ҲАМЗАТОВ**

Куч — билим ва тафаккурда

# КАСБ-ҲУНАРНИ ТЎҒРИ ТАНЛАГАН КЎП НАРСАГА ЭРИШАДИ

**дейди 2011-2012 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси соҳиби Нигора ШАРИПОВА**



*У Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети бакалавриатида ўқиш даврида фан олимпиадалари, кўрик-танлов, илмий-амалий анжуман ва жамоат ишларида фаол қатнашди. Нигора она тилимиздан ташқари инглиз, рус ва француз тилларини яхши билади. Рус тили ва педагогика фани бўйича ўтказилган республика олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаган. Халқаро анжуманларда иштирок этиб, ташкилотчиларнинг ишончини оқлаган. Айни пайтда шу университет магистратурасида ўқияпти ва «Умумтаълим мактаби ўқувчиларини касбга йўналтиришнинг назарий масалалари» мавзусида илмий ишини давом эттиряпти.*

— Илмий изланишимда учта асосий йўналишга катта эътибор қаратдим, — дейди у. — Булар — **касб танлаш, касбни эгаллаш, касбга мослашиш.** Чунки педагоглар аввало боланинг мактаб ёшидан тўғри касб танлашига кўмаклашишга эътибор қаратиши зарур. Ўқувчи эса бу борадаги маълумотларни ўрганиши ва ўзини танлаган касбига тайёрлаб бориш керак. Мана шундагина ўқувчи танлаган касби бўйича малакасини оширишга интилади. Бу эса келажакда ўз касбининг устаси бўлиб етишишига замин тайёрлайди.

Нигора Ўзбекистон психологлари Ассоциациясининг энг ёш аъзоларидан бири. Унинг илмий-тадқиқот иши юзасидан 2 та ўқув қўлланмаси, 13 та илмий мақоласи чоп этилди.

**Альбина ЖУМАНОВА**

Спорт

# «ЧЕЛЛЕНЖЕР» ХАЛҚАРО ТУРНИРИДА

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИЯ ЗАХИРАЛАРИ ТЕННИС МАКТАБИДА МУКОФОТ ЖАМҒАРМАСИ 125000 АҚШ ДОЛЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛУВЧИ «ЧЕЛЛЕНЖЕР — 2012» ХАЛҚАРО ТУРНИРИ ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА.**



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Бу йилги баҳсларда дунё теннис таснифида 65-поғонани банд этган Лукас Лацко (Словакия), италиялик Флавио Чиполла (78), чехиялик Дуди Села (98), тунислик Малик Жазирий (112), хорватиялик Иван Дудиг (113), канадалик Васек Поспишил (120)ларнинг майдонга тушаётгани «олтин коптокча» мухлислари учун ажойиб совға бўлди.

Дастлабки давра баҳсида теннисчимиз Фаррух Дўстов турнир етакчиларидан бири Васек Поспишил (Канада) билан куч синашди. Бир соату 24 дақиқа давом этган мазкур учрашувнинг дастлабки партиясида ҳамюртимиз қийинчиликсиз ғалаба қозонди — 6/2. Аммо қолган икки партияда Фаррухнинг астойдил тер тўкишига тўғри келди. У аввалига кутилмаганда рақибига 3/6 ҳисобида имкониятни бой берди ва ҳал қилувчи партияда худди шу ҳисобда зафар қучиб, мусобақани давом эттириш ҳуқуқини сақлаб қолди.

— Рости, турнир савиясининг йилдан-йилга ортаётгани кишини қувонтиради, — деди дастлабки учрашувдан сўнг Фаррух Дўстов. — Тошкент «Челленжер»и Европа турнирларидан қолишмайди. Кучлиларга қарши кортга чиқиш эса кишига завқ бағишлайди. Одатда, бошқа қитъаларда ўтадиган бу каби мусобақаларда Wild Card асосан дунё теннис таснифида кучли юзликка кирган ракеткачилар учун ажратилади. Аммо Ўзбекистон теннис федерацияси бундай имкониятдан асосан умидли ёшлар фойдаланишига эътибор қаратмоқда. Бу эса юртимиз ёш теннисчиларининг фақат тажриба ва маҳорати ўсиши учун замин яратади.

Иккинчи даврада Фаррух Дўстов Андрей Голубев (Қозоғистон) билан куч синашди. Унда моҳир теннисчимиз рақибидан устун келди — 7/6(4), 7/5.

Кеча ҳамюртимиз чорак финалда белоруссиялик Владимир Игнатикка қарши баҳс юритди. Фаррухнинг бу рақиби нимчорак финалда турнирнинг иккинчи рақамли ракеткачиси италиялик Флавио Чиполлани мусобақадан чиқариб юборганди — 6/3, 6/7(0), 6/3.

# «ОСИЁ КУБОГИ – 2015»: РАҚИБЛАР МАЪЛУМ

**ФУТБОЛ БЎЙИЧА НАВБАТДАГИ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ 2015 ЙИЛ АВСТРАЛИЯДА БЎЛИБ ЎТАДИ. КУНИ КЕЧА МЕЛЬБУРН ШАҲРИДА МУСОБАҚАНИНГ САРАЛАШ УЧРАШУВЛАРИГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ.**

Чемпионат низомига кўра, баҳсларнинг финал босқичида қитъамизнинг энг кучли ўн олти терма жамоаси ғолиблик учун кураш олиб боради. Улардан тўрттасининг номи аллақачон маълум. Булар — Австралия (мезбон), Дохада ўтган охирги «Осиё кубоги — 2011» чемпиони — Япония, совриндори — Жанубий Корея, шунингдек, «Осиё Чақирув кубоги — 2012» мусобақаси ғолиби — КХДР терма жамоаларидир.

Қолган ўн битта қатнашчи номи эса саралаш учрашувлари орқали аниқланади. Бу йўлланмалар учун йигирма терма жамоа тўрттадан беш гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро кураш олиб бориши мўлжалланган.

Мельбурнда ўтказилган тантанали қуръа ташлаш маросимида ана шу жамоалар вакиллари иштирок этди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон миллий терма жамоаси саралаш мусобақаларининг «Е» гуруҳидан жой олди. Ҳамюртларимиз бу гуруҳда Бирлашган Араб Амирликлари, Вьетнам ҳамда Гонгконг футболчилари билан уй-сафар тизими асосида куч синашади.

Саралаш баҳсларининг қолган тўртта гуруҳида қуйидаги жамоалар кураш олиб боради:

**«А» гуруҳи:** Иордания, Сурия, Уммон, Сингапур
**«В» гуруҳи:** Эрон, Қувайт, Таиланд, Ливан
**«С» гуруҳи:** Ироқ, Хитой, Саудия Арабистони, Индонезия
**«Д» гуруҳи:** Қатар, Баҳрайн, Яман, Малайзия.

Эслатиб ўтамиз, ҳар бир гуруҳда дастлабки икки ўринни эгаллаган жамоалар Осиё чемпионати финал босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади. Шунингдек, беш гуруҳдан бирида энг яхши кўрсаткичга эга бўлган битта учинчи ўрин соҳиби ҳам Австралия яшил майдонларида тўп суриш ҳуқуқига эга бўлади. 2015 йилда бўладиган Осиё кубоги баҳсларининг охирги ўн олтинчи қатнашчиси номига эса «Осиё Чақирув кубоги — 2014» мусобақаларида ойдинлик киритилади.

«Е» гуруҳи тақвими:
2013 йил 6 февраль
**Ўзбекистон** — Гонгконг, Вьетнам — БАА
2013 йил 22 март
Гонгконг — Вьетнам, БАА — **Ўзбекистон**
2013 йил 15 октябрь
Гонгконг — БАА, **Ўзбекистон** — Вьетнам
2013 йил 15 ноябрь
БАА — Гонгконг, Вьетнам — **Ўзбекистон**
2013 йил 19 ноябрь
Гонгконг — **Ўзбекистон,** БАА — Вьетнам
2014 йил 5 март
**Ўзбекистон** — БАА, Вьетнам — Гонгконг.

**Эркин ХОЛБОБО**

**ОБ-ҲАВО 13-14 – 10. 2012**

*Юртимиз бўйлаб (°С)*

| | | |
|---|---|---|
| *Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти* | +10 / +15 | +22 / +27 |
| *Бухоро ва Навоий вилоятлари* | +10 / +15 | +26 / +31 |
| *Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари* | +10 / +15 | +26 / +31 |
| *Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари* | +11 / +16 | +27 / +32 |
| *Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари* | +10 / +15 | +25 / +30 |
| *Тошкент шаҳри* | +13 / +15 | +27 / +29 |

*Дунё бўйлаб (°С)*

| | |
|---|---|
| Лондон | +9 / +12 |
| Париж | +12 / +11 |
| Москва | +7 / +6 |
| Мадрид | +15 / +13 |
| Пекин | +18 / +16 |
| Канберра | -2 / -4 |
| Рим | +15 / +16 |
| Афина | +15 / +16 |
| Токио | +25 / +24 |
| Стокгольм | +10 / +11 |
| Кейптаун | +9 / +9 |
| Қоҳира | +20 / +19 |
| Гавана | +23 / +23 |
| Вашингтон | +19 / +18 |

Тошкент шаҳар Учтепа тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати (БТИ) томонидан Чилонзор-21 мавзеси, 11-уй, 40-хонадон эгаси Хамзаева Гулсума Махмутовна номига берилган уй режаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси таҳририят бўлим мудири Шарофат Йўлдошевага укаси
**Отабек ЙЎЛДОШЕВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**MUASSIS:**
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY’ATI:**
Abdulla ORIPOV, Latif G‘ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug‘bek MUSTAFOYEV, Tat’yana KISTANOVA (Bosh muharrir o‘rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO‘LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma’naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ‘ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e’lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1046
10097 nusxada bosildi.

t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — 00.00
Topshirilgan vaqti — 00.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Bardambek SA`DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG‘ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5